O'ZBEKISTON RESPUBLIKASI MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Халқ сўзи

Ўзбекистон – келажаги буюк давлат

1991 йил 1 январдан чиқа бошлаган ● E-mail: info@xs.uz ● 2006 йил 29 ноябрь, № 232 (4131) Чоршанба

ҲАМДЎСТЛИК: ИСЛОҲОТ — ДАВР ТАЛАБИ

Ўзбекистон Республикаси Президенти Ислом Каримов 28 ноябрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги Давлат раҳбарлари Кенгашининг Беларусь пойтахти Минск шаҳрида бўлиб ўтган мажлисида иштирок этди.

Сўнгги вақтларда МДҲнинг тақдири ҳақида турли фикрлар билдириляпти. Айримлар унинг пароканда бўлиб бораётганидан ташвиш чекса, баъзилар Ҳамдўстлик ўз салоҳиятини тўла ишга солгани йўқ, шундай қилса, унинг истиқболига ишонч билан қараш мумкин, деган фикрда. Шунинг учун ҳам Ҳамдўстликни замон талаблари нуқтаи назаридан ислоҳ қилиш долзарб бўлиб турибди.

Табиийки, МДҲга аъзо ҳар бир давлат ўз миллий манфаатларини кўзлаб иш тутади, кўриладиган масалаларга шу нуқтаи назардан ёндашади. Бундай шароитда барчага бирдек маъқул бўладиган қарорларни қабул қилиш осон эмас, албатта.

Лекин МДҲнинг муҳим ҳаётий аҳамиятга молик жиҳатларини эътиборсиз қолдириб бўлмайди. Масалан, транспорт коммуникациялари, энергетика тармоқлари, савдосотиқ аъзо давлатлар ўртасидаги ҳамкорликнинг муҳим йўналишларидан саналади.

21 декабрь куни Мустақил Давлатлар Ҳамдўстлиги ташкил топганига 15 йил тўлади. Лекин Минск саммити фақат юбилей муносабати билан ўтказилгани йўқ. Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш ва унинг самарадорлигини ошириш масаласи анчадан буён баҳс-мунозараларга сабаб бўлиб келмоқда. Эътироф этиш керакки, МДҲ ўтган даврда муайян муваффақиятлар келтирди. Аъзо давлатларнинг суверенитети кафолатланиб, мустақиллиги мустаҳкамланди, кўп томонлама самарали ҳамкорликни ривожлантириш учун ҳуқуқий замин яратилди. Лекин, шу билан бирга, МДҲни тузиш чоғида белгиланган кўплаб мақсадлар ҳаётда ўзининг амалий ифодасини топгани йўқ.

МДҲга аъзо мамлакатлар раҳбарлари 28 ноябрь куни Беларусь Республикасининг Миллий кутубхонаси биносига йиғилдилар. Саммит қатнашчилари асосий эътиборни махсус экспертлар гуруҳи тайёрлаган МДҲ самарадорлигини ошириш ва Ҳамдўстликни ривожлантириш истиқболлари тўғрисидаги ҳисобот муҳокамасига қаратдилар. Бошқача айтганда, бу Ҳамдўстликни ислоҳ қилиш тўғрисидаги ҳужжатдир. Президентлар турли ёндашувларни кўриб чиқиб, нуқтаи назарларни ўзаро мувофиқлаштириш юзасидан фикр алмашдилар. Хусусан, гуманитар ва иқтисодий соҳадаги алоқалар, хавфсизлик ҳамда турли таҳдид ва хавф-хатарларга қарши курашдаги ҳамкорлик масалаларига алоҳида эътибор қаратдилар.

Давлат раҳбарлари МДҲ мамлакатларининг гуманитар ҳамкорлик бўйича кенгаши тўғрисидаги битим, ноқонуний муҳожирликка қарши кураш соҳасидаги ҳамкорликни фаоллаштириш тўғрисидаги баёнот, Эркин савдо зонасининг тўлақонли фаолиятини таъминлаш ва ўзаро савдода махсус (ҳимоя) чораларини қўллаш механизми тўғрисидаги англашув меморандуми каби бир қатор ҳужжатларнинг лойиҳаларини кўриб чиқдилар.

Давлат раҳбарлари Кенгашига МДҲ мамлакатларининг иқтисодий соҳадаги ҳамкорлигини ривожлантириш ва самарадорлигини ошириш бўйича 2003-2010 йилларга мўлжалланган дастур ижросининг бориши, Ахборотлаштириш соҳасидаги ҳамкорлик стратегияси ва 2010 йилгача ушбу стратегияни ҳаётга татбиқ этиш режаси, Москвадаги Бутунроссия кўргазмалар маркази негизида Ҳамдўстлик мамлакатларининг доимий ишловчи кўргазмаларини ташкил этиш тўғрисида 2002 йил 7 октябрда қабул қилинган қарор ижроси тўғрисидаги ҳисоботлар тақдим этилди.

Албатта, МДҲнинг имкониятлари катта. Маълумотларга қараганда, ҳозирги кунда Ҳамдўстлик мамлакатлари иқтисодий ўсиш жараёнини бошдан кечирмоқда. Аҳолиси қарийб 300 миллионни ташкил қиладиган улкан минтақани қамровчи бу тузилманинг жаҳон саноат ишлаб чиқаришидаги улуши 10 фоизни, табиий бойликларнинг асосий турлари захиралари бўйича 25 фоизни ташкил қилади. Бу омиллар ҳамкорлик учун яхши замин бўлиб, ундан самарали фойдаланиш йўлга қўйилса, Ҳамдўстликнинг салоҳияти янада ошади. Ўзбекистон Президенти Ислом Каримовнинг МДҲ доирасида Эркин савдо зонаси барпо этиш масаласига алоҳида эътибор қаратиб келиши ҳам шундан. Зеро, мустаҳкам иқтисодий ҳамкорлик негизига қурилган алоқалар давлатлар ўртасида ўзаро ишончнинг мустаҳкамланишига хизмат қилади. Бундай муносабатлар ўзаро манфаатдорликка асосланган боис аъзо давлатлар учун юзага келадиган муаммоларни ҳамжиҳатлик билан ечиш имконини яратади.

Шу билан бирга, Ҳамдўстлик мамлакатлари ҳамфикр бўлган жиҳатлар ҳам оз эмас. Минск саммитида жиноий йўллар билан орттирилган даромадларни қонунийлаштириш ва терроризмни молиялаштиришга қарши кураш тўғрисидаги шартнома, одам савдосига қарши кураш бўйича МДҲ мамлакатларининг 2007-2010 йилларга мўлжалланган ҳамкорлик дастури каби ўндан зиёд ҳужжат имзоланди.

Шунингдек, МДҲ Ижроия Қўмитаси, Ҳамдўстликнинг Аксилтеррор маркази ва Чегара қўшинлари қўмондонлари кенгаши тўғрисидаги низомларга ўзгартириш ва қўшимчалар киритишга қарор қилинди.

Саммит якунлари бўйича ўтказилган матбуот анжуманида кўриб чиқилган масалалар юзасидан журналистларга батафсил ахборот берилди.

Минскка ташрифи чоғида Президент Ислом Каримов ўзи жойлашган қароргоҳда Украина Президенти Виктор Ющченко билан учрашди. Суҳбат чоғида Ўзбекистон билан Украина ўртасидаги муносабатларнинг бугунги аҳволи ва истиқболларига оид масалалар, томонларни қизиқтирган халқаро муаммолар муҳокама қилинди.

Анвар БОБОЕВ,
ЎзА махсус мухбири.
Тошкент – Минск – Тошкент.
Абдувоҳид ТЎРАЕВ олган сурат.

28 ноябрда парламент юқори палатаси қўмиталарида бўлажак саккизинчи ялпи мажлис муҳокамасига киритилаётган масалаларни муҳокама қилишга бағишланган мажлислар бўлиб ўтди. Уларда Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 83-моддасига асосан, Ўзбекистон Республикаси Президенти Олий Мажлис Қонунчилик палатасига қонунчилик ташаббуси тартибида киритган «Давлат бошқарувини янгилаш ва янада демократлаштириш ҳамда мамлакатни модернизация қилишда сиёсий партияларнинг ролини кучайтириш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Конституциявий Қонуни ва «Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг айрим моддаларига (89-моддасига, 93-моддасининг 15-бандига, 102-моддасининг иккинчи қисмига) тузатишлар киритиш тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни лойиҳаларининг умумхалқ муҳокамасини ташкил этишда сенаторларнинг иштирок этиши масалалари ҳам кўриб чиқилди.

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

Сенаторлар юқорида кўрсатиб ўтилган қонун лойиҳалари ҳокимиятнинг вакиллик ва ижро этувчи органларини шакллантиришда сиёсий партиялар ҳамда ҳаракатларнинг фаол иштирок этиши учун ташкилий-ҳуқуқий шароитларни кенгайтиришга ва ҳукумат тузилмаларининг, марказдаги ва жойлардаги давлат ҳокимият органларининг мамлакат парламентида ўз вакилларига эга бўлган сиёсий партиялар, маҳаллий вакиллик органларидаги партия гуруҳлари олдида ҳисоб беришини таъминлайдиган ҳуқуқий механизмларни яратишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар. Шу билан бирга, уларнинг кенг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш ахолининг ижтимоий-сиёсий ҳаёти фаоллашувига, ижтимоий, иқтисодий ва сиёсий ислоҳотларни амалга оширишда, мамлакатни демократик янгилашда сиёсий партияларнинг роли ва масъулияти ошишига ёрдам бериши таъкидланди.

Ана шуларга асосланиб, қўмиталар ушбу қонун лойиҳаларининг моҳиятини аҳолига кенг миқёсда тушунтириш ва уларнинг умумхалқ муҳокамасини ташкил этиш соҳасида тегишли чораларни белгиладилар.

Қўмиталарнинг мажлисларида Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджети лойиҳаси муҳокама қилинди. Сенаторлар бюджет лойиҳаси саноат ва қишлоқ хўжалиги ишлаб чиқаришини жўшқин ва барқарор ривожлантиришга, истеъмол товарлари ишлаб чиқариш ҳажмларини оширишга, макроиқтисодий ва молиявий барқарорликни мустаҳкамлашга, иқтисодиёт ва унинг алоҳида соҳалари мувозанатини кучайтиришга, хўжалик юритувчи субъектлар зиммасидаги солиқ юкини камайтиришга, инфляция даражасини пасайтиришга, муҳим ижтимоий муаммоларни ҳал қилишга, аввало, таълим ва соғлиқни сақлаш тизимларини ривожлантиришга йўналтирилган давлат харажатларининг улушини оширишга қаратилганлигини кўрсатиб ўтдилар.

Мажлисларда Қонунчилик палатаси томонидан қабул қилиниб, маъқуллаш учун Сенатга юборилган қонунлар муҳокама қилинди.

(Давоми 2-бетда).

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати саккизинчи ялпи мажлисининг очилиши тўғрисида

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси 2006 йил 30 ноябрь куни соат 10.00 да Тошкент шаҳрида, Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг мажлислар залида очилади.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари диққатига

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг аъзолари 2006 йил 29 ноябрь куни соат 9.00 дан 18.00 га қадар Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати биносининг фойесида рўйхатга олинади.

Олий Мажлис Қонунчилик палатасида



Олий Мажлис Қонунчилик палатаси Бюджет ва иқтисодий ислоҳотлар қўмитасининг кенгайтирилган йиғилиши бўлиб ўтди. Унда Олий Мажлис Қонунчилик палатаси депутатлари, сиёсий партиялар, тегишли вазирлик ва идоралар, қўмита ва ташкилотлар раҳбарлари иштирок этдилар. Йиғилишни мазкур қўмита раиси А.Аҳадов бошқарди.

ҚОНУН ЛОЙИҲАСИГА БАҒИШЛАНДИ

Йиғилишда «Ўзбекистон Республикаси Солиқ кодексига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун лойиҳаси кўриб чиқилди. Мазкур қонун лойиҳаси Олий Мажлис Қонунчилик палатаси томонидан Ўзбекистон Республикасининг 2007 йилги Давлат бюджетини қабул қилиш чоғида тасдиқланган 2007 йилги солиқ сиёсатининг асосий йўналишларига мувофиқ ишлаб чиқилгани таъкидланди.

Лойиҳа Солиқ кодексига мамлакатимизда кейинги йилларда иқтисодиётга солиқ юкини босқичма-босқич пасайтириш, солиқ солиш тартибини такомиллаштириш ва соддалаштириш, солиқ имтиёзларини оптималлаштириш бўйича чора-тадбирларни амалга оширишни таъминлашга қаратилган ўзгартиш ва қўшимчалар киритишни назарда тутади. Хусусан, иқтисодиётга солиқ юкини янада пасайтириш ва корхоналар ихтиёрида қоладиган фойда ҳиссасини ошириш мақсадида даромад (фойда) солиғи ставкасининг 12 фоиздан 10 фоизгача камайтирилиши билан бир қаторда даромад (фойда) солиғини ҳисоблаб чиқишда илгари солиқ солиш базасига қўшиладиган айрим харажатларни солиқ базасидан чегириш назарда тутилаётгани қайд этилди.

Иш ҳақи фондига солиқ юкини пасайтириш ва аҳоли даромадларини легаллаштириш мақсадида жисмоний шахсларнинг даромадига солинадиган солиқнинг ўрта ва юқори ставкаларини тегишлича 20 фоиздан 18 фоизга ва 29 фоиздан 25 фоизга пасайтириш назарда тутилган. Солиқ имтиёзларини оптималлаштириш мақсадида кам самарали имтиёзлар ўрнига амалда кенг фойдаланилаётган имтиёзларни тартибга солиш ва янгиларини киритиш кўзда тутилган. Хусусан, тиббий ветеринария хизматлари, дори воситалари ва буюмларини ишлаб чиқарувчилар томонидан уларни реализация қилиш бўйича оборотлар, шунингдек, ўзи етиштирган қишлоқ хўжалик маҳсулотларини реализация қилиш оборотларини қўшилган қиймат солиғидан озод этиш кўзда тутилмоқда.

Йиғилишда ушбу қонун лойиҳасининг қабул қилиниши солиқ тизимини янада тартибга солишга ҳамда маъқулланган солиқ сиёсатининг 2007 йилги асосий йўналишларида назарда тутилган чора-тадбирларни амалга оширишга хизмат қилиши таъкидланди.

Муҳокама этилган масала юзасидан тегишли қарор қабул қилинди.

Т.БОТИРБЕКОВ,
ЎзА мухбири.

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИ ПОЙТАХТДА

Ёшлар — мамлакатимизнинг эртанги куни, умиди ва ишончи. Юртимизда ёш авлоднинг соғлом ва баркамол инсонлар бўлиб вояга етиши, таълим-тарбия олиши, жамиятда ўзининг муносиб ўрнини топишини таъминлаш давлат сиёсатининг асосий йўналишларидандир.

Президентимиз Ислом Каримовнинг жорий йил 10 октябрда қабул қилган «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракатини қўллаб-қувватлаш ва унинг фаолият самарадорлигини янада ошириш ҳақидаги қарори ёшларимизга берилаётган катта эътиборнинг яна бир далилидир. Мамлакатимизнинг ижтимоий-сиёсий, маънавий-маданий ҳаётида ушбу ҳаракат фаолиятининг самарадорлигини ошириш, уни, аввало, ёшларнинг қонуний манфаатлари ва ҳуқуқларини ҳар томонлама ҳимоя қилишга қодир ташкилотга айлантириш масаласи долзарб аҳамиятга эга. "Камолот" фаолиятини чуқур таҳлил қилиб, танқидий баҳо бериш, мамлакатимиз ёшлари олдида турган муҳим ва устувор вазифаларни ҳал этиш масаласи — мазкур ҳаракатнинг навбатдаги қурултойи кун тартибидан жой олган.

Ёшларимиз ҳаётидаги муҳим воқеа — ушбу тадбирнинг олти юздан зиёд қатнашчиси истиқлол йилларида пойтахтимизда амалга оширилган бунёдкорлик ишлари билан танишди. Бу орқали мамлакатимизда маънавий-маърифий, ижтимоий соҳаларда олиб борилаётган ислоҳотлар, халқимизнинг яратувчанлик салоҳияти самаралари билан атрофлича танишиш имконига эга бўлдилар.

Қурултой қатнашчилари пойтахтимиздаги «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуини зиёрат этдилар. Президентимиз Ислом Каримов ташаббуси билан барпо этилган ушбу мажмуа Ватанимиз истиқлоли йўлида жонини фидо этган, аммо бугунги ёруғ кунларга етолмаган ота-боболаримиз хотирасига ҳурмат-эҳтиромнинг ёрқин намунасидир.

(Давоми 2-бетда).

Сўнгги соатда

Бирлашган Араб Амирликлари — Ўзбекистон 1:2

Қатар пойтахти Дохада бошланган XV Осиё ўйинлари дастуридан жой олган футбол мусобақасининг илк учрашувини ҳамюртларимиз 1:2 ҳисобидаги ғалаба билан якунлашди.

"Ал-Садд" майдонида кечган баҳс футболчиларимизнинг устунлигида ўтди. Ўйиннинг 44-ҳамда 55-дақиқаларида Александр Гейнрих томонидан киритилган икки тўп терма жамоамиз ғалабасини таъминлади.

Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси олдидан

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ МАЖЛИСИ СЕНАТИДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

«Ўзбекистон Республикасининг Жиноят кодексига ва Ўзбекистон Республикасининг Маъмурий жавобгарлик тўғрисидаги кодексига ўзгартишлар киритиш ҳақида»ги қонунни муҳокама қилиш чоғида сенаторлар ушбу қонун мамлакатга кириш ва мамлакатдан чиқиб кетиш тартибини, шунингдек, мамлакатимиз ҳудудида бўлиш қоидаларининг бажарилишини таъминлаш имконини беришига эътибор қаратдилар.

«Молия-иқтисодиёт, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий даромадларни легаллаштиришга қарши курашиш кучайтирилганлиги муносабати билан Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартиш ва қўшимчалар киритиш тўғрисида»ги қонун кўриб чиқилди. Ушбу қонун Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2006 йил 21 апрелдаги «Молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолиятдан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашишни кучайтириш чора-тадбирлари тўғрисида»ги Қарорига мувофиқ ишлаб чиқилганлиги таъкидланди. Қонун амалдаги 10 та қонун ҳужжатига тузатишлар киритади. Бу тузатишлар молия-иқтисодий, солиқ соҳасидаги жиноятларга, жиноий фаолияттан олинган даромадларни легаллаштиришга қарши курашни кучайтиришнинг ҳуқуқий базасини анча кенгайтиради.

Қўмита аъзолари Ўзбекистон Республикасининг Бельгия Қироллигидаги Фавқулодда ва Мухтор элчиси вазифасига тайинлаш билан боғлиқ масалани ҳам кўриб чиқдилар.

Парламент юқори палатаси қўмиталарининг мажлисларида сенаторлар ва қўмиталарнинг 2006 йил ўтган давридаги фаолияти якунлари ва бошқа масалалар кўриб чиқилди.

Муҳокама қилинган барча масалалар юзасидан тегишли қарорлар қабул қилинди.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенатининг матбуот хизмати.

Темур ҚУРБОНБОЕВ олган сурат.

Эртага Олий Мажлис Сенатининг саккизинчи ялпи мажлиси ўз ишини бошлайди. Шу муносабат билан мухбирларимиз сенаторлар билан учрашиб, уларга қуйидаги саволлар билан мурожаат қилишди:

1. Сенатнинг навбатдаги ялпи мажлисига қандай кайфиятда бораяпсиз?

2. Сайловчилар билан бўлиб ўтган мулоқотларда кўнглингиздан кечган фикрлар билан ўртоқлашсангиз.

МИНТАҚАЛАР МАНФААТИ — ҚОНУНЧИЛИК АСОСИ

Сенаторга икки савол

Хайтхан АРТУКБАЕВА, Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси Сирдарё вилояти бўлимининг масъул котиби:

1. Хуш кайфият билан бораяпман, десам муболаға бўлмайди. Бунинг ўзига хос сабаблари бор. Вилоятимиз кейинги икки йилда анча қаддини тиклаб олди. Навбатдаги ялпи мажлисда йигирмага яқин қонунлар муҳокама қилиниб, уларнинг аксарияти маъқулланиши кутилаяпти. Чунончи, янги таҳрирдаги «Оммавий ахборот воситалари тўғрисида»ги қонун шулар жумласидандир. Янги кун, янги замон қалам аҳлининг олдига кўпдан-кўп долзарб муаммоларни кўндаланг қўяяпти. Ана шу ҳаракат учун оммавий ахборот воситалари ходимларининг нафақат бурчлари, балки уларнинг ваколатлари ҳам бирмунча кенгайтирилиши кўзда тутилган.

2. Мен имкон қадар сайловчилар билан кўпроқ учрашишга ҳаракат қиламан. Биласизми, кейинги икки-уч йил ичида юртдошларимиз тафаккурида диққатга сазовор ўзгаришлар жараёни бораяпти. Яъни улар қабул қилинган кўпдан-кўп қонунлар ўз ҳаётларига ижобий таъсир этаётганлигини сеза бошлашди.

Оддий бир мисол. Фермерлик ҳаракати юртимизда кенг қулоч ёзди. Меҳнат қил, изланг, ташаббус кўрсат ва меҳнатинг нонини баҳам кўр, деган ақида кўплаб қонунларимизда ўз аксини топди. Бу ҳолни вилоятимиз мисолида яққол кузатса бўлади. Натижада одамлар моддий манфаатдорлик — пировард натижа сари астойдил интиладиган бўлишди. Мана шу ижобий ўзгаришларда бизнинг ҳам, озми-кўпми, ҳиссамиз борлигидан бир фуқаро, қолаверса сенатор сифатида ичимдан хурсанд бўламан.

Ахмед ИБРАГИМОВ, Тўрткўл тумани ҳокими, иқтисод фанлари номзоди:

1. Яқинда ҳузуримга меҳнат фахрийси, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган пахтакор Норбой Ишмуратов кириб келдилар. Отахон билан суҳбат қурдик. Узоқ йиллик фаолиятида хўжаликни машъал жамоага айлантирган уста деҳқон бу йилги ютуқ ва камчиликларимиз тўғрисида рўйи-рост айтдилар. Ўн беш дақиқа ичида бир дунё таассурот олдим. Биз ҳам ҳамма қатори хом сут эмган банда эмасмизми, хаёлимдан "Ёшулли бирор иш билан келганмикан?!" деган савол ўтди, албатта. Бироқ суҳбатнинг интиҳосида илк хулосам нотўғри эканини тушундим.

«Сенга бир оғиз «ҳорманг» дегани кирдим, болам! — дедилар Норбой оға доимий нимтабассуми билан. — Айниқса, Ёнбошқалъа томонларда биз ўзлаштирган минг-минг гектар ерлар бор. Асосий эътиборни ўша ёққа қаратинг».

Мамлакатимизда Норбой оғага ўхшаган ажойиб одамлар бисёр. Биз галдаги ялпи мажлисга уларнинг дуоси билан келяпмиз. Макроиқтисодиётнинг одимлари салмоқли бўляпти. Кичик бизнес ва тадбиркорлик, фермерлик ҳаётимизнинг мазмунига айланмоқда. Биргина бизнинг Қорақалпоғистонимизда қанчаданқанча конлар очилмоқда, улкан корхоналар маҳсулот бермоқда. Буларнинг барчаси Сенат йиғилишига кўтаринки кайфиятда боришга асос бўлмоқда!

2. Сайловчилар билан учрашувларда илгари улар ўз қишлоғида асфальт йўл қуриш, табиий газ ва ичимлик суви қувури, электр линияси олиб бориш тўғрисида айтишарди. Бугунги сайловчининг онги, сиёсий саводи анча юқори. Масалан, яқинда Мискин қишлоғида сайловчилар билан учрашганимда, бир фермер солиқ қонунчилигига оид ислоҳотлар ҳақида ўз фикрини баён қилди.

Хуллас, ялпи мажлисга бир қанча амалий таклифлар билан келмоқдаман. Яна бир ҳолатни алоҳида таъкидламоқчи эдим: Сенатнинг ялпи мажлислари мустақил мамлакатимизнинг сиёсий нуфузи, иқтисодий қудрати тобора ортиши билан биргаликда кучли фуқаролик жамияти шаклланаётганини кўрсатмоқда. Сенат аъзоси ҳам, Қонунчилик палатаси, Жўқорғи Кенгес, маҳаллий Кенгаш депутатлари ҳам, оддий фуқаро ҳам XXI аср Ўзбекистон асри бўлаётганини, Қорақалпоғистон Республикаси, ҳар бир вилоят, ҳар бир туман, гўзал пойтахтимиз соат сайин гуллаб-яшнаётганини кўриб турибди ва бунга ўз ҳиссасини қўшмоқда. Бугунги кунниг бош мағзи ана шунда эмасми?!

"Халқ сўзи" мухбирлари Алиқул ХОНИМҚУЛОВ, Янгибой ҚЎЧҚОРОВ ёзиб олди.

ҚУРУЛТОЙ ҚАТНАШЧИЛАРИ ПОЙТАХТДА

(Давоми. Боши 1-бетда).

— «Шаҳидлар хотираси» ёдгорлик мажмуасини зиёрат қилиш асносида шу нарсани яна бир бор англаб етдимки, биз аждодларимиз орзу қилган, бироқ ўзлари кўролмаган бугунги мунаввар кунларнинг, мамлакатимизда ёшлар учун яратилаётган улкан имкониятларнинг, кўрсатилаётган ғамхўрликнинг қадрига етмоғимиз даркор, — дейди Самарқанд вилояти Нарпай тумани Оқтош миллий ҳунармандлик касб-ҳунар коллежи ўқувчиси Шароф Пардаев. — Айни пайтда биз, ёшларга кўрсатилаётган бундай юксак эътиборга аъло ўқишимиз, Ватанимиз тараққиёти йўлидаги муносиб меҳнатимиз билан жавоб бермоғимиз зарур. «Камолот»нинг навбатдаги қурултойига йиғилишимиздан мақсад ҳам бу борадаги вазифаларимизни аниқ белгилаб олишдан иборатдир.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан қайтадан бунёд этилган «Ёшлик» талабалар шаҳарчаси пойтахтимизнинг энг файзли гўшаларидан бирига айланган. Бу ерда жаҳон андозалари даражасида барпо этилган талабалар турар жойлари, поликлиника, спорт-соғломлаштириш масканлари, кутубхона ва бошқа маънавий-маърифий масканлар йигит-қизларнинг пухта ва тўлақонли билим олиши, яшаши, саломатлигини мустаҳкамлашига хизмат қилаётир.

— «Ёшлик»да кўрганларимиз — талабалар учун яратилган қулайлик, имконият ва ғамхўрликлар юртимизда ёшлар таълим-тарбияси ва келажагини ўйлаб амалга оширилаётган улкан ишларга ёрқин мисолдир, — дейди термизлик Муборак Эшполвонова.

Темурийлар тарихи давлат музейида бўлган қурултой делегатлари бой тарихимизни, маънавиятимизни тиклаш, асраб-авайлаш ва халқимиз, айниқса, ёш авлодга етказиш борасидаги эзгу ишлар билан яқиндан танишдилар.

— Темурийлар тарихи давлат музейидан олган таассуротларим бир умр ёдимда қолади, — дейди нукуслик Абай Ақтилевов. — Нукусга боргач, қурултой кунлари пойтахтимизда кўрган-билганларимни ҳамкасбларим, талабалар ва тенгдошларимга сўзлаб бераман.

Қурултой қатнашчилари пойтахтимиздаги Болалар ижодиёти уйи, бир қатор олий ўқув юртлари, мактаблар, спорт-соғломлаштириш мажмуалари, тиббиёт масканлари, музейлар, санъат кошоналарини ҳам бориб кўрдилар.

Назокат УСМОНОВА, Баҳор ХИДИРОВА, ЎзА мухбирлари.

Сарвар ЎРМОНОВ олган суратлар.

Ёндирилган хазон

инсон саломатлигига зарар

Ҳар фаслда бўлгани каби, кузнинг ҳам ўзига яраша инжиқликлари бор. Одатга кўра, хазонрезги мавсумида хазон ва шох-шаббаларни йиғиштириш, йўқотиш пайига тушамиз. Аксарият ҳолларда уларнинг атроф-муҳитга зарарлилигини била туриб, ёқиб юборамиз. Саломатликка зиёни хусусида эса ўйлаб ҳам ўтирмаймиз. Айниқса, мактаблар, болалар боғчалари, маҳаллалар, идоралар ва ташкилотлар атрофида бундай чиқиндиларнинг ёнишидан чиқаётган тутун кишини ташвишга солади.

Долзарб мавзу

«Экосан» халқаро ташкилоти ташаббуси билан уюштирилган Умумреспублика экологик ҳашарида ҳам асосий эътибор ушбу масалага қаратилди.

Мутахассисларнинг фикрича, автотранспортлардан чиққан азот II ва углерод оксидлари, олтингугурт диоксиди, аммиак ва формальдегид каби чиқинди газлар асосан дарахт ва буталарнинг барглари ва ёнғилар экан. Вақт ўтиб, хазонга айланган бундай япроқларни ёқиш эса юқоридаги заҳарли газларнинг атмосферага кўтарилишига сабаб бўлади.

— Тутундан ажралган чиқинди газлар юқори нафас йўлларининг сурункали, аллергик ҳамда астма касалликларини хуружлантиради, — дейди республика Соғлиқни сақлаш вазирлиги Давлат санитария-эпидемиология назорати департаменти бошлиғи Сайидмурод Сайдалиев. — Ёқиб юборилган барглар заҳарли моддаларга тўйинган тутуни эса ўпка орқали қонга сўрилиб, инсон организмининг умумий ҳолатига салбий таъсир кўрсатади. Ёнганда ҳосил бўладиган қурум ва тутунлар нафақат одам организмига, балки ён-атрофдаги ўсимлик ҳамда ҳайвонот дунёсига, шунингдек, ернинг унумдор қатламига ҳам жиддий таъсир этади.

Маълумки, атроф-муҳит ва инсон саломатлигини муҳофаза қилишнинг энг самарали усули бу борадаги қонунларга амал қилишдир. Хусусан, бунда ҳукуматимиз томонидан қабул қилинган «Атмосфера ҳавосини муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуннинг аҳамияти ва ўрни беқиёс. Айниқса, «Экосан» халқаро ташкилоти томонидан мазкур Қонуннинг ижросини таъминлаш юзасидан олиб борилаётган ишлар диққатга сазовор.

— Илгари уюмлар ва чиқиндилар умуман ёқилмасди, — дейди «Махсустранс» бош бошқармаси бошлиғи ўринбосари Шуҳрат Иноғомов. — Ҳар бир хонадонда уларни кўмиш учун махсус ўралар қазилиб, чиқиндилар компост қилинган. Бу эса, ўз навбатида, атмосфера бузилишининг олдини олиш билан бирга, ер қатламининг унумдорлигини ҳам оширган. Афсуски, ҳозирги кунда ушбу фойдали тадбир қўлланилмасдан, ҳовлидаги хазон ва шох-шаббалар маиший чиқиндилар учун мўлжалланган майдончаларга ташланмоқда. Натижада бу ҳолат маиший чиқиндилар миқдорининг сунъий равишда кўпайишига сабаб бўлмоқда. Шунга қарамай, мавжуд имкониятлардан фойдаланиб, барча чиқиндиларни ўз вақтида олиб кетишга ҳаракат қилаяпмиз. Бунинг учун бошқармамиз жойлардаги ширкатлар, маҳалла фуқаролар йиғинлари, мактаблар, болалар боғчалари ва ташкилотлар билан ҳамкорликда махсус иш жадвали ишлаб чиққан.

Шуҳрат Иноғомовнинг айтишича, биргина Тошкент шаҳрида кунига 2000 тонна миқдорида чиқинди йиғилар экан. Уларни тўплаш учун 800га яқин «Хундай» ва «ДЭУ» русумли махсус машиналар сафарбар этилган. Жойлардан йиғилган чиқиндилар автоматлаштирилган чиқинди юклаш пунктларидаги ҳар бири 17 тонна келадиган контейнерларга жойланиб, аҳоли яшаш пунктларидан 60-70 километр узоқликда жойлашган махсус ахлатхонага олиб борилади.

— Шу ўринда «Йиғилган чиқиндилар, улардан чиқаётган заҳарли ҳид атмосферага зарар келтирмайдими?» деган савол туғилади, кишида.

— Йиғилган чиқиндилар ахлатхонадаги махсус хандақларга кўмилади, — дейди Ш. Иноғомов. — Бу чиқиндиларни зарарсизлантиришнинг энг қулай йўлидир. Бундан ташқари, чиқиндилардан унумли фойдаланиш мақсадида шу кунларда чет эллик ҳамкорларимиз билан фойдали режа устида иш олиб бораяпмиз. Агар ушбу режа амалга ошадиган бўлса, чиқиндиларни қайта ишлаш ва компост қилишни йўлга қўямиз. Бу эса, ўз навбатида, бошқармамиз иқтисодий аҳволини яхшилаш билан бирга, қўшимча иш ўринларини очиш имконини беради.

Бир неча йиллардан бери ҳудудий ободонлаштириш хизматлари томонидан компост усули самарали қўлланиб келинмоқда. Хазонларни ва шох-шаббаларни йиғиш ҳамда компостлаш учун ҳар бир туманда махсус хандақлар ташкил қилинган. Чиқиндиларни хандақларда компост қилиш уларни зарарсизлантиришнинг энг тўғри ва экологик тоза йўли ҳисобланади. Бундан ташқари, мутахассислар бу усул тупроқ унумдорлигини оширишини таъкидлашмоқда.

Баҳодир ФАЙЗИЕВ, «Халқ сўзи» мухбири.

ТАЪЛИМ СОҲАСИНИ РИВОЖЛАНТИРИШ ВА ҲАМКОРЛИК

Пойтахтимизда кўп миллатли Марказий Осиёда таълим тизимидаги ислоҳотларнинг вазифаларига бағишланган халқаро конференция бўлиб ўтди. Тадбир Ўзбекистон Республикаси Халқ таълими вазирлиги томонидан Европа Хавфсизлик ва Ҳамкорлик Ташкилотининг (ЕХҲТ) Кам сонли миллатлар масалалари бўйича Олий комиссарлиги билан ҳамкорликда ташкил этилди. Унда Ўзбекистон, Россия, Қозоғистон, Қирғизистон, Тожикистон, Афғонистон, Туркманистон ва ЕХҲТдан вакиллар иштирок этди.

Тадбирда Ўзбекистонда Президент Ислом Каримов ташаббуси билан қабул қилиниб, ҳаётга изчил жорий этилаётган Кадрлар тайёрлаш миллий дастури ҳамда унинг мантиқий давоми бўлган 2004-2009 йилларда Мактаб таълимини ривожлантириш Давлат умуммиллий дастури ўз самарасини бераётгани алоҳида таъкидланди. Таълим тизимини ислоҳ қилишнинг ўзбек модели ўз самарадорлиги билан дунёнинг кўпгина мамлакатлари томонидан эътироф этилмоқда.

Ўзбекистон Республикаси халқ таълими вазири Т.Жўраевнинг қайд этишича, Ўзбекистонда саводхонлик даражаси 99,34 фоизга тенг. Бу жаҳонда энг юқори кўрсаткичлардан ҳисобланади.

Ўзбекистонда бир юз ўттиздан зиёд миллат ва элат вакиллари яшайди. Юртимизда таълим ўзбек тилидан ташқари қорақалпоқ, рус, қозоқ, қирғиз, тожик, туркман тилларида олиб борилмоқда. Ўзбекистонда истиқомат қилувчи кам сонли миллатлар вакиллари таълим оладиган мактабларнинг барчаси малакали педагог кадрлар, дарсликлар ва ўқув қўлланмалари билан тўла таъминланган.

— Ўзбекистон таълим муассасаларининг муваффақияти нафақат кадрлар тайёрлашда, балки жиддий илмий тадқиқотларни ўтказиш ва изланишлар борасидаги ютуқларда ҳам яққол кўзга ташланмоқда, — деди Россия Федерацияси Ташқи ишлар вазирлиги ҳузуридаги Халқаро фан ва маданий ҳамкорлик маркази вакиласи Т. Полоскова. — Ўзбекистон билан Россия ўртасида барча соҳалар сингари таълим ва илм-фан соҳасида ҳам йўлга қўйилган ҳамкорлик йилдан-йилга кенгайиб бормоқда.

Анжуманда таълим соҳасида мутахассислар тайёрлаш, қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш, ўқув режалари ва дастурларини янада такомиллаштириш, бу борадаги ҳамкорликни ривожлантириш ва ўзаро тажриба алмашишни кенгайтиришга оид бир қатор масалалар юзасидан фикр алмашилди.

Конференция ишида Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг ўринбосари, олий ва ўрта махсус таълим вазири Р.Қосимов иштирок этди.

(ЎзА).

ЖАҲОН 24 соат ичида

Расмий Пхеньян олти томонлама музокаралар ўтказишга тайёр. Шу масалада маслаҳатлашиб олиш учун Шимолий Корея ташқи ишлар вазири ўринбосари Ким Ге Гван бошчилигидаги делегация Пекинга келди. Ким Ге Гваннинг айтишича, расмий Пхеньян ҳар қандай вақтда музокараларда бевосита иштирок этиши мумкин. Хитой пойтахтида улар АҚШ, Россия, Япония делегациялари иштирокида олти томонлама музокаралар қандай шартларда олиб борилишини маслаҳатлашиб оладилар.

Доминикан Республикасидаги тунги клублардан бирида ёнғин содир бўлди. Тўққиз кишининг ҳаётига зомин бўлган офат тунги клуб ёпилгандан сўнг рўй берган. Дастлабки текширув натижаларига кўра, барча эшиклар ташқаридан қулфланган ва шунинг учун ичкаридаги одамларни қутқариб олишнинг имкони бўлмаган. Ҳозирда ёнғиннинг келиб чиқиш сабаблари ўрганилмоқда.

Исроил ҳукумати Гилад Шалит эвазига фаластинлик ҳарбий асирларни алмаштиришга рози. Бу ҳақда мамлакат Бош вазири Эҳуд Ольмерт журналистларга маълум қилди. Бундан ташқари, Бош вазир фаластинликларга мурожаат қилиб, Исроилга нисбатан зўравонликлар тўхтатилса, мухториятга иқтисодий ва гуманитар ёрдам кўрсатилишини билдирди.

Гаага халқаро трибуналида Серб радикал партияси етакчиси Воислав Шешел устидан суд жараёни бошланди. Ў ўзига қўйилаётган барча айбловларни инкор этиб келмоқда. Воислав Шешелга суд жараёнида ўзини ўзи мустақил тарзда ҳимоя қилиш ҳуқуқи бекор қилинди. Англиялик Дэвид Хупер унинг адвокати этиб тайинланди. Ҳуқуқий жиҳатдан етарли даражада маслаҳатлар олиш чегараланганлиги учун Шешел уч ҳафтадан буён очлик эълон қилган. У бу вақт оралиғида 15 килограмм озди. Шунга қарамасдан, собиқ етакчи тиббий ёрдамдан воз кечмоқда.

Чилининг собиқ диктатори Аугусто Пиночет яна уй қамоғида. У 1974 йилда ўзининг икки нафар сиёсий рақибини гаровга олганликда айбланяпти. Бу масала бўйича алоҳида тартибда жиноят иши очилди. Ўша пайтда минглаб сиёсатчилар қамоққа олинганди, хусусан, мамлакатнинг ҳозирги Президенти Мишел Бачелет ҳам. Улардан юзлаб нафари дом-даракси кетган. Пиночет 25 ноябрда 91 ёшга кирди.



Жазоир ва Нигерия ҳамкорликда Европага газ қувури тортиш имкониятларини ўрганмоқда. Дунёдаги энг узун қувур деб баҳоланаётган мазкур лойиҳага 10 миллиард доллар маблағ сарфланади. Тахминларга кўра, 4128 километрга чўзиладиган мазкур қурилиш 2015 йилга бориб тугалланиши мумкин. Агар ушбу лойиҳа амалга ошса, бирғина Нигерия йилига Европага 30 миллион кубометр газ экспорт қила олади. Фақат лойиҳанинг хавфсизлигини таъминлаш энг катта муаммо бўлиб турибди.

«Газпром» компанияси келгуси йилдан газ нархини оширишни режалаштирмоқда. Ҳар минг кубометр табиий ёқилғи учун Европа мамлакатлари 293 доллардан ҳақ тўлайди. Беларусга эса 200 доллардан экспорт қилинади. Компания 2007 йилда 157,8 миллиард кубометр газ экспорт қилишини мўлжалламоқда. Бундан 46 миллиард доллар даромад олади. Бу эса жорий йилдагига қараганда 20 фоиз кўпдир.

Судан ҳукумати Дарфурда тинчлик ўрнатиш жараёнида БМТ кучлари иштирок этишини рад этди. Мамлакат пойтахти Хартумда чиқиш қилган Умар Башир Африка Иттифоқи раҳбарлигида қитъа давлатлари ҳарбийларининг минтақага киришига рухсат берилишини билдирди. Бундан ташқари, Президент Дарфурда 200 минг одам ҳалок бўлган, деган маълумотни инкор этди. У келтирган маълумотларга кўра, Дарфурдаги зиддият 9 минг одамнинг ёстиғини қуритди.

Хориж матбуоти хабарлари асосида тайёрланди.

Ифтихор

37-модда:

«Ҳар бир шахс меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш ва қонунда кўрсатилган тартибда ишсизликдан ҳимояланиш ҳуқуқига эгадир...»

Садоқатни ўрганайлик

Яқинда талаба дўстларим билан даврада бир мавзу устида қизғин баҳс юритдик. Суҳбатимиз «Истиқлол менга қандай имкон берди?» деган мавзуда бўлди. Ҳамма ўз фикрларини билдирди. Мен эса «Истиқлол менга бахтли бўлиш имконини берди» деб жавоб бердим ва катта ҳаётга ташлаган биринчи қадамларимда топган қувончларимни баҳам кўрдим.

Биринчи қувончим, мактабимизнинг янгидан қурилгани бўлди. Ахир мен ўқиган мактабда илгари бугунги шароит йўқ эди. Шундай ажойиб ва кўркам бинода ўқиб, битирув кечаси синфдошларим билан «Қанийди, лоақал яна бир йил сенинг бағрингда қолсак, мактабжон» деб қўл ушлашиб, ҳовли кездик.

Ундан кейинги қувончим эса, талаба бўлишим билан боғлиқ. Ўзбекистон Миллий университетига ўқишга қабул қилинган куним мендан бахтли инсон дунёда йўқ эди. Талабалар шаҳарчасидаги шароитлар, ўқув хоналаридаги файз ҳар бир ёшнинг юрагида фахр-ифтихор туйғуларини жўштирди, десам муболаға бўлмас. Шундай улуғ юрт, Ватан онамиз каби бизга меҳрибонлик кўрсатиб турса-ю, биз, Ўзбекистон ёшлари бахтли бўлмай, ким бахтли бўлсин!

Биз, ёшлар, аввало, бундай катта Меҳрнинг қадрига етишимиз, шу юртга муносиб фарзанд бўлиш учун Садоқатни ўрганишимиз керак.

Зилола ПОЗИЛОВА,
Ўзбекистон Миллий университети талабаси.

Барот БОЙҚОБИЛОВ

Бешафқат ўлим Ўзбекистон халқ шоири, ўзбек адабиётининг таниқли намоёндаларидан бири, адиб ва муҳаррир Барот Бойқобиловни 69 ёшида орамиздан олиб кетди.

Барот Бойқобилов 1937 йилда Самарқанд вилоятининг Ургут туманидаги Кенагас қишлоғида туғилди. Ўрта мактабни тугатиб, Самарқанд Давлат университетининг филология факультетида таҳсил олди. Меҳнат фаолиятини 1955 йилда Самарқанд педагогика билим юртида ўқитувчиликдан бошлади. Кейинчалик Тошкент шаҳрида республика ёшлар газетаси ва нашриётларида адабий ходим, муҳаррир, бўлим мудири, бош муҳаррир ўринбосари бўлиб ишлади, турли масъул лавозимларда хизмат қилди. 1990 йилдан то умрининг охирига қадар «Мулоқот» журналининг бош муҳаррири сифатида самарали фаолият кўрсатди.

Барот Бойқобилов сермаҳсул ижод йўлини босиб ўтди. Унинг «Самарқанд сатрлари» номли биринчи шеърий тўплами 1962 йилда нашр қилинди. Шундан кейинги қирқ йилдан кўпроқ қизғин ва серқирра ижодий фаолияти мобайнида «Висол», «Сени излайман», «Самарқанд ушшоғи», «Сонетлар», «Шарқ камалаги», «Мени кутинг, юлдузлар», «Ватан тупроғи» каби қирқдан зиёд шеърий тўпламлари чоп этилди. Айниқса, шоирнинг «Кун ва тун» шеърий қиссаси, «Афросиёб ёхуд Самарқанд шажараси», «Регистон» достонлари, «Навоийнома», «Навоий Ватани» сингари бир қанча асарлари ўзбек адабиётида тарихий мавзуни бадиий ёритишга ўзига хос ҳисса бўлиб қўшилди.

Барот Бойқобилов мустақиллик йилларида фаоллик билан ижод қилди. Бу даврда у нафақат шоир ва адиб, балки ҳозиржавоб публицист сифатида ҳам республика газета ва журналлари саҳифаларида ўзининг маънавий-маърифий мавзудаги кўплаб мақолалари билан мунтазам иштирок этиб келди.

Барот Бойқобиловнинг ўзбек адабиёти ва маданияти ривожи йўлидаги хизматлари ҳукуматимиз томонидан муносиб тақдирланган. У 1994 йилда Навоий номидаги республика Давлат мукофотига, 1997 йилда «Ўзбекистон халқ шоири» фахрий унвонига сазовор бўлган эди.

Таниқли шоир, тажрибали муҳаррир, ҳозиржавоб публицист Барот Бойқобиловнинг хотираси қалбларимизда ҳамиша сақланиб қолади.

Ўзбекистон Ёзувчилар уюшмаси, республика Маънавият тарғибот маркази.

Фахрийлар — фахримиз

Устозни отадек эъзозлаш халқимизга хос хислат. Чунки устоз шогирдидаги истеъдодни сезиб, унга раҳнамолик қилади. Имкониятларни муҳайё қилиб, тажрибасини меҳр ила ўргатади. Шогирд ҳам ҳаракатчанлигини намоён этиб, устозининг ишончига киради. Наманганлик Ҳамидулло Нурматов ҳам ёшлигидан меҳнатга ихлос қўйди. Ўқиди, шогирд бўлди, меҳнатда тобланди. Сўнг аста-секин раҳбарлик шоҳсупасига кўтарилди. Иш фаолияти давомида кўплаб шогирд тайёрлаш бахтига ҳам муяссар бўлди. Шогирдлар қаерда бўлишмасин, устоз номини ҳурмат билан тилга олишади.

МЕҲНАТНИНГ БЕМИННАТ ОБРЎСИ

Ҳамидулло аканинг бундай обрў орттиришида отаси Сирожиддин ҳамда онаси Ўғилбувининг хизмати катта бўлган. Улар фарзандида ёшликдан меҳнатга кўникма ҳосил қилишди.

— Ўша йиллари Тўрақўрғон туманидаги Мозорқўҳна қишлоғида яшар эдик, — дейди Ҳамидулло ака ёшлигини хотирлаб. — Ўрта мактабнинг юқори синфида ўқирдим. Дарсдан сўнг дала ишларида қатнашардим. Сувчиларга қарашиб, эгат бошига чим босардим, чопиқ қилардим. Ғўза қатор оралари отга темир плуг улаб юмшатиларди. Мен отни етаклардим. Культивациядан чиққан ғўза қатор оралари жимирлаб оқаётган сувга қараб тўймасдим. Далада сифатли иш бажарган кишилар қаторида мени ҳам бир жуфт калиш билан мукофотлашди. Уни онамга бердим. Хурсандчиликдан онамнинг боши осмонга етди. «Меҳнат кишини ана шундай улуғлайди», дедилар онам менга далда бериб. Бу манзарани асло унутолмайман.

1954 йили ўрта мактабни тамомлагач, у Тошкент алоқа техникумига ўқишга кирди. 1957 йилда уни битириб, Мингбулоқ тумани алоқа идорасига ишга келди. Ўша кезлари туманда аҳолига алоқа хизмати кўрсатиш жуда орқада эди. Бунинг устига, маҳаллий кадрлар етишмасди. Ҳудудда атиги битта телефон бўлиб, туман маркази билан уланиш машаққат эди. Ёш мутахассиснинг ана шундай шароитда ишлашига тўғри келди. Алоқа идораси бошлиғи Василий Соколов келажакда ҳаммаси яхши бўлишини, бунга эришиш учун эса ташаббус билан меҳнат қилишни тушунтирарди.

Кунларнинг бирида марказдан 36 км. узоқда бўлган бир колхозда туман билан алоқа узилиб қолди. Нима қилиш керак? Бошлиқ ўйлаб кўриб, аҳволни ўнглашни шогирдига топширди. Ёш техник мотоциклга асбобларини ортиб ишга киришди. Йўл-йўлакай тўхтаб симларни кузатди. Айрим жойларда мотоциклдан тушиб, қамишзор ва ботқоқликлардан ўтишга тўғри келди. Гулбоғ қишлоғига келганида осмонни қоронғу қоплаган эди. Шу ердаги чойхонада тунаб, саҳарда йўлга чиқди. Озроқ юргач, симёғочдаги 30 метрлар чамасидаги симларнинг ўзаро туташиб қолганини кўради. «Хайрият, носозликни топдим» дея узилган алоқани тиклайди. Ва шу ердан бошлиққа телефон қилади.

1972 йили иқтидорли мутахассис ҳаётида унутилмас воқеа юз берди. Уни вилоят алоқа бошқармаси бошлиғи лавозимига муносиб топишди. Роят масъулиятли бу вазифада у бутун куч-қуввати ва салоҳиятини ишга солди. Биринчи кунлардан асосий диққатини соҳа ишини такомиллаштиришга, хизмат кўрсатиш даражасини янада кўтаришга сафарбар этди. У Наманганда илк иш бошлаган даврда шаҳарда 120 тадан рақамга эга бўлган 5 та коммутатор бор эди, холос. Қисқа муддатда МДҲда биринчи бўлиб Германиядан келтирилган 10 минг рақамли ЭАТС ва шаҳарлараро телефон станцияси қурилиб, ишга туширилди. Барча туман марказларида уч-тўрт қаватдан иборат бўлган АТС бинолари, шаҳарда эса алоқа бошқармаси учун 4 қаватли бино бўй чўзди. Вилоятда АТСлар сони 33 тага етказилди. 350 км. масофага шиша толали кабель ётқизилди. Идоралар ва аҳоли фойдаланаётган телефонлар сони 117000 дан ошиб кетди.

Раҳбарлик фаолияти давомида Ҳамидулло ака соҳа ходимларига ғамхўрлик қилишни ҳам унутмади. Унинг саъй-ҳаракати билан алоқачилар учун 55 гектар ер ажратиш тўғрисида қарор чиқарилишига эришилди. Ана шу жойда ишловчилар учун 28 та коттеж қурилди. Кейинчалик улар эгаларига бепул хусусийлаштириб берилди. 200 дан ортиқ алоқачи ер участкаси бўлди. Адирликда ёрдамчи хўжалик ташкил қилинди. 5 гектар майдонда бунёд этилган токзор ва боғ маҳсулотларидан ҳозир ҳам алоқачилар баҳраманд бўлишаётир.

— Устозимиз алоқа соҳаси бўйича вилоятда етишиб чиққан биринчи мутахассис, тармоқнинг тараққий этишига жон фидо қилган раҳбарлардан саналади, — деди биз билан суҳбатда Ўзбекистон Алоқа ва ахборотлаштириш агентлиги Наманган вилояти ҳудудий бошқармасининг бошлиғи Шамсиддин Тоштемиров. — Наманган шаҳрида республикада биринчи бўлиб «Алкател» электрон АТСи қурилиб, ишга туширилиши, «Ўздунробита» қўшма корхонаси филиалининг очилишида ҳам у кишининг роли беқиёс.

Жонкуяр раҳбар ўз фарзандларига ҳам шогирдлари каби ғамхўр ва талабчан. Уларнинг ўқиши, Ватанга муносиб киши бўлиб етишишлари учун қайғурган. Шу сабаб ўғил-қизларининг ҳаммаси ўқиб, олий маълумотли бўлишди. Ҳозирги кунда у беш нафар фарзанди ҳам эл хизматида. Ҳозир у киши шаҳарнинг «Нуробод» даҳасидаги «Алоқачилар» маҳалласида истиқомат қилади. Ҳамон тетик ва бардам, меҳнатни канда қилмайдиган бу инсоннинг боғидаги олма, гилос, анжир, ишком тўла олтин ранг узумни кўриб, ҳавасингиз келади. Бекор туриш йўқ. Маҳалла фуқаролар йиғини, қадрдон жамоаси ўтказаётган турли тадбирларда фаол иштирок этади. Шогирдлари ва ёшлардан маслаҳатини аямайди.

Биз Ҳамидулло ака билан хонадонида бир пиёла чой устида суҳбатлашар эканмиз, ундан алоқа тизимидаги бугунги катта ўзгаришларга муносабатини сўрадик.

— Республикамизда барча соҳаларда бўлганидек, алоқа тармоғида ҳам мисли кўрилмаган ўзгаришларнинг гувоҳи бўлаяпмиз, — деди у киши. — Симли телефонларнинг кенг тараққий этаётгани, уяли телефонларнинг ҳаётимизга тобора чуқурроқ кириб бораётганидан фахрланасан, киши. Ҳозир жаҳоннинг турли бурчагига лаҳзада алоқага чиқиш мумкин. Илгари алоқанинг бу даражада тараққий этишини хаёлга ҳам келтирмасдик. Ушбу ўзгаришларни Президентимиз ва ҳукуматимизнинг соҳани янада ривожлантириш борасида кўрсатаётган ғамхўрлигининг ёрқин намунаси, истиқлолимизнинг неъмати, деб биламан.

Ҳа, меҳнат фаровонликнинг, ишда эришилажак барча ютуқларнинг калити ҳисобланади. Эл, юрт манфаати йўлида ҳалол меҳнат қилган инсон ҳамма жойда, ҳамма вақт улуғланади, иззат-ҳурматда бўлади.

Эркин ҚАМБАРОВ.

СУРАТДА: Ҳамидулло Нурматов ўз шогирдлари даврасида.

Энг яхши чора — ЭҲТИЁТ ҚИЛИШ!
КОМПЬЮТЕРЛАР ВА ОРГТЕХНИКАНИ ТАЪМИРЛАШ
МАЪЛУМОТЛАР УЗАТИШ ТАРМОҚЛАРИНИ ҚУРИШ ВА УЛАРГА ХИЗМАТ КЎРСАТИШ
NG SERVICE Муаллифлаштирилган сервис-марказ
Манзилимиз: Тошкент ш., Лисунов к., 2-уй. Мўлжал: «Авиасозлар» саройи. Тел.: 199-50-22, 199-52-84.
hp TRIPP-LITE FUJITSU SIEMENS LG Canon EPSON

"LOK Kolor SINTEZ" ҚК
Тўлов тури - пул ўтказиш ёки нақд пул билан
КЕНГ АССОРТИМЕНТДАГИ
ТИКУВ МАҲСУЛОТЛАРИНИ
тақдим этади

• ЎРИН ТЎШАК МАҲСУЛОТЛАРИ
• МАХСУС КИЙИМЛАР
• БОЛАЛАР КИЙИМЛАРИ
Ушбу маҳсулотни ФИРМА - МАГАЗИНИМИЗДАН завод нархларида сотиб олишингиз мумкин (мўлжал — «Фарғона йўли» кўчасидаги собиқ тепловоз депоси)
Манзил: Тошкент ш., «Фарғона йўли» кўчаси, 13/22. Тел.: (998 71) 191-47-41, 191-80-94. Факс: (998 71) 191-74-63

МИРЗО УЛУҒБЕК НОМИДАГИ
ЎЗБЕКИСТОН МИЛЛИЙ УНИВЕРСИТЕТИ

ҚУЙИДАГИ ИХТИСОСЛИКЛАР БЎЙИЧА 2006 ЙИЛ УЧУН АСПИРАНТУРА ВА ДОКТОРАНТУРАГА ҚАБУЛ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

АСПИРАНТУРА

Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда ўқиш учун: математик анализ, дифференциал тенгламалар; математик физика; математик мантиқ, алгебра ва сонлар назарияси; назарий физика; радиофизика; физик электроника; оптика; ярим ўтказгичлар ва диэлектриклар физикаси; ноорганик кимё; аналитик кимё; органик кимё; юқори молекуляр бирикмалар кимёси; биоорганик кимё, табиий ва физиологик фаол моддалар кимёси, биофизика; ботаника; вирусология; зоология; эмбриология, гистология ва цитология; генетика; тупроқшунослик; палеонтология ва стратиграфия; минерология, кристаллография; математик моделлаштиришнинг назарий асослари, сонли усуллар ва дастурлар мажмуалари; картография, Ўзбекистон тарихи; умумий тарих (тегишли давр тарихи); археология; этнология (этнография); иқтисодий назария; минтақавий иқтисодиёт; диалектика ва билиш назарияси; эстетика; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти); ҳозирги миллий адабиёт (рус адабиёти); миллий адабиёт тарихи; журналистика; туркий тиллар (ўзбек тили); славян тили; қиёсий-тарихий, типологик ва қиёсий тилшунослик, таржима назарияси; табиий география, ландшафтлар геофизикаси ва геокимёси; иқтисодий ва ижтимоий география, қуруқлик гидрологияси, гидрокимё; давлат ва ҳуқуқ назарияси ва тарихи; сиёсий ва иқтисодий таълимотлар тарихи; фуқаролик ҳуқуқи; оила ҳуқуқи; фуқаролик жараёни; халқаро хусусий ҳуқуқ; педагогика назарияси ва тарихи ўқитиш назарияси ва услубияти; умумий психология; ижтимоий психология; педагогик ва ёш психологияси; социология назарияси, услубияти ва тарихи; сиёсий фан назарияси ва тарихи.

ДОКТОРАНТУРА

Эстетика; ижтимоий фалсафа; ҳозирги миллий адабиёт (ўзбек адабиёти); туркий тиллар (ўзбек тили); иқтисодий ва ижтимоий география.

ҲУЖЖАТЛАРНИ ҚАБУЛ ҚИЛИШ МУДДАТИ — 2006 ЙИЛ 5 ДЕКАБРГАЧА.

Маълумотларни олиш учун университетнинг илмий ва илмий педагогик кадрлар тайёрлаш бўлимига: Тошкент шаҳри, Олий ўқув юртлар шаҳарчаси, маъмурий бино, 11-қават, 113-хонага мурожаат қилинг. Телефон: 396-74-35.

Машқ майдонидан репортаж

«Юрт фидойилари» деган таърифни кўп ишлатамиз. Баландпарвоз гапиряпти деманг-у, каминага ана шундай инсонлар билан ҳамнафас бўлиш, сарҳадларимиз тинчлигини сақлаш учун бедор хизмат қилаётган фидойилар билан бевосита танишиш насиб этди.

Оёғидан ўт чақнагай...

Оммавий ахборот воситаларида фаолият кўрсатаётган бир гуруҳ журналистлар кеча, 28 ноябрь куни ҳарбий дала ўқув-йиғин машғулотлари майдонига етиб бордик.

— Бугун ҳарбий хизматда йигитлар ўз бурчини фахр ила адо этишаётганлиги шубҳасиз, — дейди ҳамкасбларимиздан бири. — Аскарларимизнинг машқ қилишларига қаранг. Эпчил, мард йигитлар.

Ҳа, эшитгандан кўрган афзал. Жанговар ҳарбий техникани ақл ва маҳорат билан бошқараётган чапдаст аскарларни кўриб, юртимиз ҳимояси ишончли қўлларда эканлигига амин бўласан.

Шу ўринда таъкидлаш лозимки, Президентимиз, Қуролли Кучлар Олий Бош Қўмондони Ислом Каримов раҳбарлигида Қуролли Кучларимизнинг жанговар тайёргарлигини ошириш бўйича олиб борилаётган ислоҳотлар ижобий самарасини бермоқда.

Биз борганда яқинда ҳарбий қасамёд қабул қилган ёш аскарлар учун қишки ўқув мавсуми олдидан кўргазмали машғулотлар ўтказилаётган экан. Ўқув-йиғин машғулотлари майдонига жанговар техникалар саф қилиб тизиб қўйилган. Тажрибали офицерлар эндигина хизматни бошлаган ёш аскарларни қудратли ҳарбий техникадан фойдаланиш сир-асрорлари билан таништирдилар.

— Андижон туманининг Ҳакан қишлоғиданман, — дейди оддий аскар Рустам Маликов. — Туманимиздаги тадбиркорлик коллежини тугатганман. Ёшлигимдан спортга қизиқаман. Оғир атлетика бўйича бир неча турнирларда ғолиб чиққанман. Бу муддатли ҳарбий хизматга қабул қилинишимда асқотди. Танловдан муваффақиятли ўтиб, аскарликка қабул қилиндим. Келажакда ҳарбий сифатида ўз фаолиятимни давом эттирмоқчиман.

Бу ерда Рустам каби азамат, жасур йигитлар жуда кўп. Уларга қараб, шундай ёшларимиз борлигидан кўнгилларга хотиржамлик инади.

Зиёдулла ЖОНИБЕКОВ,
«Халқ сўзи» мухбири.
Камолиддин ТЎРАЕВ
олган сурат.

ХАБАРИНГИЗ БОРМИ?

ЖУРНАЛНИНГ ЯНГИ СОНИ

- **Нега инсон туғилгандан эътиборан қоғозсиз яшолмайди?**
- **Матмусанинг хотини уч ойда қандай фарзандли бўлди?**
- **Азиз Несинни Шодмон Отабек қандай ўзбекча гапиртиргани ҳақида.**
- **Кулги устаси Абдураҳмон Сиддиқовнинг майнавозчиликдан холи гаплари.**
- **«Муштум» саҳифаларида ҳажвия, латифа, қатра ханда, кулгили расмлар истаганча топилади.**

2007 йил учун обуна давом этади.

Нашр индекси — 842.

O'ZBEKISTON SAVDO-SANOAT PALATASI

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИНИНГ БОЖХОНА ҚОНУНЧИЛИГИ ИСЛОҲОТЛАРИ

ТАДБИРКОРЛАР ДИҚҚАТИГА!

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ САВДО-САНОАТ ПАЛАТАСИ ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ДАВЛАТ БОЖХОНА ҚЎМИТАСИ БИЛАН ҲАМКОРЛИКДА

янги божхона қонунчилигини ишлаб чиқишда ишбилармон доира вакилларининг фикр ва мулоҳазаларини ҳисобга олиш мақсадида уларнинг аниқ таклифларини йиғиш ва умумлаштириш бўйича иш олиб бормоқда.

Янги таҳрирдаги Божхона кодекси лойиҳаси билан Ўзбекистон Республикаси Савдо-саноат палатасининг сайти (www.chamber.uz)да танишиб чиқишингиз мумкин.

Божхона қонунчилиги бўйича ўз таклиф ва эътирозларингизни Тошкент ш., «Бухоро» к., 6-уйга ёки law@chamber.uz электрон манзили орқали («Божхона кодекси» сарлавҳасида) юборишингизни сўраймиз. Йўлланаётган таклиф ва эътирозлар мантиқли тавсиф ва тегишли асосларга таянган таклифлардан иборат бўлиши талаб этилади. Мурожаат учун телефонлар: 150-60-06, 139-42-82, 150-60-03.

3881H/2167

Газ улгуржи истеъмолчилари ва газ сотувчи ташкилотлар диққатига!

«Крокус Газ Сервис» ҚК

(Чкалов номли ТАИЧБ ДАБ)

«Сигнал» (Россия) ва «Газдевайс» ЁАЖ (Россия, Москва) компаниялар гуруҳининг Ўзбекистон ҳудудидаги расмий вакили қуйидагиларни таклиф этади:

ЭЛЕКТРОН БЛОКЛИ (БК) МУВОФИҚЛАШТИРАДИГАН ТУРБИНАЛИ САНОАТ ГАЗ ЎЛЧАГИЧЛАРИ (СТГ).

Мазкур асбоблар газни ҳисобга олиш бўйича замонавий ўлчаш-ҳисоблаш комплекслари бўлиб, немис технологияси бўйича Россияда ишлаб чиқарилган.

Ўлчаш диапазонлари: соатига 100 м³, 250 м³, 400 м³, 650 м³, 1000 м³, 1600 м³ гача ва ундан ортиқ.

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Россияда ишлаб чиқарилган

«АГАТ» РУСУМЛИ, УЛЬТРАТОВУШЛИ, ЎЛЧАНАЁТГАН ГАЗ ҲАРОРАТИНИ АВТОМАТИК РАВИШДА ТЎҒРИЛАЙДИГАН



замонавий электрон газ ўлчагичлари.

Ўлчаш диапазонлари:
- «АГАТ» G-16 (соатига 0,16 м³ дан 25 м³ гача);
- «АГАТ» G-25 (соатига 0,25 м³ дан 40 м³ гача).

Етказиб бериш, тўлиқ монтаж қилиш, кафолатли ва сервис хизмати кўрсатиш — йил давомида.

Асбоблар «Ўзстандарт» агентлигининг сертификатига эга.

Сервис маркази манзили: Тошкент шаҳри, «Ўзбекистон овози» ва С.Азимов кўчалари кесишган жойда. Мўлжал — Шастри ҳайкали, эски ҳайвонот боғи. Тел./факс: 132-21-22, 136-39-63, 127-10-28, 127-07-72.

3998H/2166

Журналист касбини ўзгартирди

Бекатда бир йўловчи садақа сўраб турган йигитга раҳми келибди. Чўнтакларини титиб кўргач, хижолат бўлиб:
— Пул йўқ эди-я, — деса, гадой:
— Ишлаш керак, оғайни, — дебди.

Ўзига Тўқ Тиланчилар

Бу бир латифанамо гап. Аммо бежиз айтилмаган. Чунки ҳозирги аксарият тиланчилар бир қарашда раҳмингизни келтирса, баъзан жаҳлингизни чиқаради. Кимдир уларни ночор деса, бошқалар қаллоб санайди.

Ана шу саволларга жавоб топиш мақсадида хўжалик ишларига мўлжалланган кийимларимни кийиб, тиланчи қиёфасида пойтахтимиздаги "Чорсу" бозорига бордим. Бозор — пул топиш учун энг мақбул жой. Шунга қарамай, ғурурим ва ориятимни енгиш мен учун қийин бўлди. Қалпоғимни кўзимгача бостирган, ҳар қанча энгашган бўлсам-да, бозорда юзларнинг тафти мени таъқиб қилаётгандек бўлаверди. Аммо тиланчиларнинг ҳаёти билан танишиш истаги "ўз касбимга" нисбатан иштиёқ уйғотди. Ҳеч кимга аҳамият бермасликка ҳаракат қилиб, миқ этмай ўтиравердим.

Орадан бир соатлар ўтгач, "тушум"ни ҳисоблаб кўрдим — 685 сўм! Ҳеч кимни алқамасдан, ғиқ этмасдан шунча топиш... ҳар қандай бекорчига ёқадида. Лекин мени бошқалар қанча топаётгани кўпроқ қизиқтирарди.

Юз ифодаларидан касалманддек кўринган, рўмолчасини дамба-дам йиғиштириб, қайта ёяётган отахонни гапга солмоқчи бўлдим. Яқинига ўтиришга чоғлангандим ҳамки, қоши билан "нима бор?" дегандай ишора қилди.

— Қийналиб қолдим, мусофирман, — дедим у ёқ-бу ёққа қараб. Отахон на ҳа, на йўқ, деди. Энсаси қотганини билиб турсам-да, вазиятни юмшатиш учун:

— ... Тушумнинг мазаси йўқ, — дедим.

— Э, борсанг-чи, ука. Яхшиси, «Светофор»га чиқ. Ёшсан, оёқда тура оласан.

Отахон бу гапни менга ёрдам бериш учун эмас, балки ўз жойини қизғангани учун айтган эди. Чунки бозордаги энг гавжум жойлар эгалланган, ҳатто бундай жой учун бадал (?!) тўлаб турилар экан. Майли, бозор тор бўлса, шаҳарда "Светофор" кўп!

Шундай қилиб, "Халқлар дўстлиги" ва "Фарҳод" кўчалари кесишган чорраҳани кўзладим. Лекин бу ердаги лўлиларни кўриб, барча уринишларим беҳудалигини сездим ва узоқроқдан кузатиб туришга қарор қилдим.

Улар галалашиб ҳаракат қилишади. Бир гуруҳи метронинг чиқиш жойлари ва вагонларида, яна бир гуруҳи бозор ҳамда савдо дўконларида, бошқалари "Светофор"да тўхтаган машиналарни "таъқиб қилишади". Энг қизиғи, маълум муддатдан сўнг улар ўзаро ўрин алмашишади. Лўлиларнинг яна бир қуроли — болалар. Негаки, болалар одамларнинг раҳмини келтириш билан бирга, топшириқни ҳам сўзсиз бажаради. Баъзида нима қилаётганининг фарқига бормайдиган бу ғўдакларнинг хорижий автомашиналару бадавлат кишиларни дарҳол таний олганига ҳайрон қоласиз.

Навбат алмашиб, "танаффус"га чиққан бир болакайни саволга тутдим:

— Исминг нима?

— Робил.

— Миллатинг нима?

— Лўли.

— Дининг-чи?

— Лўли.

— Унда нега мусулмонча оят ўқиб, тиланчилик қиласан?

Саволимдан ёнидаги қизнинг жаҳли чиқди, шекилли, жеркиб берди:

— Бачани бузеб нима қиласан, ҳай. Охе, бу ерга кўпи мусулмон бўлгандан кейин шунай қилиб ичига киради-да.

"Ичига киради" деган гапида жон бор. Лўлилар инсон руҳиятини ва кайфиятини ҳис қила биладилар. Шу боис уларнинг хушомадлари, авраши ростдек туюлади. Фол очишда ҳам улар айнан шу усулдан фойдаланишади. Қолаверса, лўлилар энг "ёғли" жойларни эгаллаб олишган. Масалан, шифохоналарга кираверишдаги жойлари. Топқирликни қарангки, садақа кулфатни аритади, деб ишонган дардманд кишилар ва уларнинг яқинлари, албатта, хайр-эҳсон қилади. Иккинчиси, муқаддас қадамжолар ва диққатга сазовор жойлар. Маълумки, бундай масканлар зиёратчилару хорижлик сайёҳлар билан ҳамиша гавжум. Лўлилар эса, уларнинг таъбини тирик қилиб бўлса ҳам, ҳамённини тўлдириш пайида. Бу иш меҳмонларда қандай тасаввур уйғотиши мумкинлиги ҳақида заррача ўйлаб ўтиришмайди...

Хуллас, ҳар қанча гапга чечан бўлмайин, лўлилар орасида ишим юришмади. Тўғрироғи, менда "одамларни эритиш учун ҳеч нарсадан тап тортмаслик" хусусияти етишмади.

Англадимки, бу соҳанинг ҳам ёзилмаган қоидалари, аллақачон такомиллашган услублари бор экан. Мен уларни икки кун ичида ўзлаштириб, амалда қўллашим амримаҳол. Лекин шуниси аниқки, кўчада сизу биздан пул сўраб юрадиганлар, кўпчилик ўйлагандай, бева-бечора, дарбадар одамлар эмас экан. Бир кунда ўртача 8000 сўм топиб, эртасига яна ўз жойида пайдо бўлганларни муҳтож деб бўладими? Демак, уларни асосан икки гуруҳга ажратиш мумкин: пиёнисталар ва ишёқмаслар.

Ҳадиси шарифларда айтиладики, тепадаги қўл пастдаги қўлдан ҳар жиҳатдан устундир. Бу билан ўзгаларга саховатли бўлиш улуғ фазилат эканлиги назарда тутилган. Лекин биз тилга олган тоифага эса ҳар қандай эҳсон ортиқча, назаримизда. Негаки, бировга кўрсатилган кўмак ўша муҳтож кишининг оёққа туриб кетишига асқотиши керак. Шундай экан, тўрт мучаси соғ инсонларнинг бу тарзда ҳаёт кечириши ишёқмаслик, текинхўрликдан бошқа нарса эмас.

Касбини ўзгартиролмаган журналист:
Анвар САМАДОВ.

«ХАЛҚ СЎЗИ»га ЭЪЛОНЛАР ҚАБУЛ ҚИЛИНАДИ.

9.00 дан 18.00 гача
136-09-25
132-10-63
242-хона
E-mail: Xalk_suzi@rambler.ru

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ВАЗИРЛАР МАҲКАМАСИ ҲУЗУРИДАГИ

ТОШКЕНТ ИСЛОМ УНИВЕРСИТЕТИ

2006 йил учун 24.00.00 «Шарқшунослик фанлари» мутахассислигининг қуйидаги йўналишлари бўйича аспирантуранинг кундузги бўлимига қабул эълон қилади:

24.00.01 — Диншунослик назарияси
24.00.02 — Ислом тарихи ва манбашунослиги
24.00.03 — Ислом ҳуқуқшунослиги

Ҳужжатлар 2006 йил 15 декабргача қабул қилинади.
Кириш имтиҳонлари 2006 йил 20 декабрдан бошланади.

Керакли ҳужжатлар:

олий ўқув юрти ректори номига ариза, шахсий варақа, таржимаи ҳол, иш жойидан тавсифнома, мутахассислик бўйича реферат, рефератга бўлғуси илмий раҳбар томонидан ёзилган тақриз, диплом ва баҳолардан нусха, паспорт ва меҳнат дафтарчасининг нусхаси, тиббий маълумотнома (Ф-У086), турар жойдан маълумотнома, фотосурат, (3х4, 4 дона), конверт, тезтиккич.

Мурожаат учун манзил: Тошкент ш., Абдулла Қодирий к., 11-уй, 2-қават, 201-хона. Телефонлар: 144-00-91, 142-18-09.

ҚУРИЛИШ, КАДАСТР, ҚИДИРУВ ТАШКИЛОТЛАРИГА ТАКЛИФ ЭТАМИЗ:

- қурилиш учун ўлчаш асбоблари;
- зарар келтирмайдиган назорат ва техник диагностика асбоблари ва жиҳозлари;
- оптик нивелирлар ва теодолитлар, рақамли ва лазерли нивелирлар;
- фиберглосс ва металл рулеткалар (3 м., 5 м., 8 м., 20 м., 25 м., 30 м., 50 м., 100 м.), телескопик нивелир рейкалар;
- электрон теодолитлар, узоқликни ўлчаш асбоблари, GPS-приёмниклар, электрон тахеометрлар, GARMIN шахсий автонавигаторлари.

Кредитга бериш имконияти бор.

Навоий кўчаси, 2-«А» уй. Тел.: 142-46-31. Факс: 134-53-66. Тел.: 316-59-41.
E-mail: geo_inform@yahoo.com

Хизматлар лицензияланган. Trimble расмий шериги Товар сертификатланган.

Организация продает по перечислению трехкомнатную квартиру

в районе метро «Чиланзар»
в городе Ташкенте.

Стартовая цена: 35 000 000 сумов.

Телефон (8-371) 388-02-54.

«Sirdaryo issiqlik elektr stansiyasi» ОАЖ

ички аудит учун сертификатга эга бўлган аудиторларни доимий ишга таклиф этади.

Маълумотлар (резюме)ни 2006 йил 25 декабргача қуйидаги манзилга юбориш лозим: Сирдарё вилояти, Ширин шаҳри, «Sirdaryo IES» ОАЖ, факс: (8-3677) 64-51-30, комм. тел.: (8-3677) 64-59-43, ички тел.: 3-37, 4-62, электрон почта: sdtes@yandex.ru.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси жамоаси Ўзбекистон халқ шоири, «Мулоқот» журнали бош муҳаррири

Барот Тиллаевич БОЙҚОБИЛОВнинг

вафот этгани муносабати билан оила аъзолари ва яқинларига чуқур таъзия изҳор этади.

Ўзбекистон Республикаси Давлат-тижорат Халқ банки жамоаси банк марказий идораси департаменти директори ўринбосари Илҳом Ўрозовга падари бузруквори

Мурод ЎРОЗОВнинг

вафоти муносабати билан чуқур таъзия изҳор этади.

Халқ сўзи
Народное слово

Бош муҳаррир вазифасини бажарувчи
Ш. ЖАББОРОВ

Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 001-рақам билан рўйхатга олинган. Нашр индекси — 229. Буюртма Г — 1357. 21071 нусхада босилди, ҳажми — 2 табоқ. Офсет усулида босилган. Қоғоз бичими А—2

МУАССИСЛАР:
Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси

ТЕЛЕФОНЛАР:
Газетхонлар билан алоқа ва минтақалар бўлими 133-52-55;
Котибият 133-10-28; Эълонлар 136-09-25.

Газета таҳририят компьютер марказида терилди ва операторлар Жамшед Тоғаев ва Муҳаммадали Бегмуратов томонидан саҳифаланди.

t - Тижорат материали

МАНЗИЛИМИЗ:
700000, ГСП, Тошкент шаҳри, Матбуотчилар кўчаси, 32-уй.
Навбатчи котиб — Ю. Ҳамидов.
Навбатчи муҳаррир — И. Ўтбосаров.
Навбатчи — З. Ашурова.
Мусаҳҳиҳ — Ш. Машраббоев.

«Шарқ» нашриёт-матбаа акциядорлик компанияси босмахонаси. Корхона манзили: «Буюк Турон» кўчаси, 41. ЎзА якуни — 23.00 Топширилди — 23.20 23456